

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДАТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Фаттахов Мирзахмад Азизович

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институуни

Нурматова Муборак Хайруллаевна

Юнусобод тумани 122-мактаб ўқитувчиси

Бу мақолада Табиатшунослик фанини бошланғич синларда ўқитишнинг аҳамияти, вазифалари тўғрисида сўз юритилади. Бунда фаннинг вазифаси воқелик ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиши ва назарий жиҳатдан системага солишдан иборатлиги, Фан инсон фаолиятининг соҳаси, шунингдек ижтимоий онг шаклларидан бири эканлиги тўғрисидафиқр берилади. Ҳамда Марказий осиёлик машҳур олимлар азалдан башарият тафаккур ҳазинасига унитилмас ҳисса қўшиб келганлиги тўғрисида гапирилган.

Табиатшуносликни ўқитиши методикаси табиатшуносликни ўқитишда ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялашнинг мазмунни ва методларини очиб берувчи педагогик фандир. У педагогикада ишланган тадқиқотларга асосланади ва бу предметни ўқитиши мазмуни ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган холда унинг методларидан фойдаланаади. Ўқувчиларга табиатшуносликни ўргатиб бориш би-лан ўқитувчи уларни таълимни давом эттириш ва амалий фаолият учун зарур бўлган билим, ўқув ва қўникмалар билан қуроллантирибгина қолмай, балки уларнинг дунёқараши, иродаси, характеристини шакллантиради, ақлий қобилияtlарини ривожлантиради ҳам. Шунга кўра табиатшуносликни ўқитишнинг шакл ва методларини ишлаб чиқади.

Калит сўзлари: табиатшунослик, онг, материя, мутаносиб-гармония, Жаҳон цивилизацияси, ақлий қобилият, Ўқитиши амалиёти, табиатшуносликни ўқитиши принциплари, дидактика,

Табиатшунослик фани мазмунини ўргатишдаги узвийликни таъминлаш шу фанга оид ўқув материалларини монанд равишда танлаш, уларни мақсадли кетма-кетлиги, бўлимларо узвийлик ва изчиллик асосида жойлаштириш ҳамада уларни қисқа вақт ичida ўқувчилар онгига етказиб бериш жараёнида узвийлик тамойилининг асосий ўрин тутиши ҳозирги куннинг асосий педагогик муаммо-лардан бири ҳисобланади.

Табиатшунослик ўқув предмети ҳам ўқитувчидан ўзига бўлган билим, қўникама ва малакани талаб этади. Бу эса ўқитувчидан малака оширишнинг самарали шаклларини жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиши таълим-нинг илфор шакл ва усуслари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация техноло-гияларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида касбий билим, қўникма ва мала-каларини олишга

боғлиқ бўлади. Бошланғич синф ўқитувчиси «Табиатшунослик» ўқув фани бўйича олдин қандай билим, кўникмаларга эга ва малакасини ошириш жараёнида қандай кўникмаларни ривожлантириш кераклигини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланди.

Жумладан: 5111700-бошланғич таълим спорт тарбиявий иш йўналишининг ўқув режаси мутахассислик фанлар блокида «Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси» ўқув фани ўқитилади. Бу ўқув фанида талабаларга «Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси» ўқув фанидан билим, кўникмалари ривожлантирилади. Бу ўқув фанни ўқитишда ботаника, зоология, физика, табиий география каби фанлари илмий тушунчаларидан фойдаланилади. Бу эса фанлараро узвийликни кўрсатиб беради.

Коинот, Еримиздаги ҳаёт турлари, одамнинг пайдо бўлиши, уларнинг таркибий қисмлари бўлган атом, молекулаларнинг ассиметрияси ва унга боғлиқ, бўлган оптик фаоллигини аниқлаш фанда катга аҳамиятга эга. Моддий ва рухий дунёни билишда муҳим фалсафий муаммолардан онг бирламчими ёки материя? Материя нима? Ҳеч нарса йўқдан бор, бордан йўқ, бўлмайди деган ақида тўғрими? Шу каби муҳим масалалар қаторида дунёни билиш муаммоси табиий, гуманитар ва ижтимоий фанларнинг бош масаласи бўлиб келган ва келмокда. Мазкур фаннинг вазифаси ҳам фаннинг бошланғич синф ўқувчиларига бизни ўраб олган дунё, табиатнинг бир бутун эканлиги, улар мутаносиб-гармония ҳолатида фаолият кўрсатаётганини табиий фанлар воситасида билдириш ва тушунтиришдан иборатdir. Табиий ва гуманитар фанларни бир-бирига боғлиқ, ҳолда баён қилиш бўлажак мутахассисларнинг дунёни билишда ижтимоий, табиий онгини, малакаларини бойитишга ёрдам беради. Фанларни муайян тизим асосида ўрганиш, уларнинг эволюцион фаолиятининг универсаллиги ҳамма йўналишларда бир хиллигини тушуниш табиий фанлардаги синергизм ва парадигма ҳодисаларини ўрганиш талабаларнинг фикр доирасини кенгайтиришга албатта ижобий таъсир этади.

Фаннинг вазифаси воқелик ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий жиҳатдан системага солишдан иборат. Фан инсон фаолиятининг соҳаси, шунингдек ижтимоий онг шаклларидан биридир. Яъни билимларни эгаллаш билан боғлиқ, фаолиятни ҳам, бу фаолиятининг маҳсули одамнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади; инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалайди. Фаннинг бевосита мақсади ўзининг ўрганиш предмета ҳисобланган воқеликнинг қонунларини кашф этиш ва ҳодисаларни таърифлаш, тушунтириш, олдиндан айтиб беришдир. Фанлар системаси шартли равишда табиий, ижтимоий ва техниковий фанларга бўлинади. Ижтимоий фаолият эҳтиёжи туфайли қадимда пайдо бўлган билимлар XVI-XVII асрлардан бошлаб фан сифатида шаклланди ва тарихий тараққиёт давомида етакчи кучга ва жамиятнинг барча соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатувчи муҳим социал қонун-қоидага айланди. XVII асрдан бошлаб

ҳар 10-15 йилда илмий фаолиятнинг ҳажми (кашфиётлар, илмий информациялар, илмий ҳодисалар сони) 2 баробар кўпайди. Фан тараққиётида экстенсив ва революцион даврлар алмашиниб турди, бу ҳол фан структураси, билиш принциплари, категория ва методлари, шунингдек уни ташкил этишнинг ўзгаришига сабаб бўлди. Фан учун тармоқланиш ва фан тармоқларининг бирлашишидан иборат жараёнларнинг уйғунылиги, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш характерлидир. Фан-техника революцияси шароитида ягона „Фан техника ишлаб чиқариш“ системаси вужудга келиб, унда фан етакчи рол ўйнайди.

Марказий осиёлик машҳур олимлар азалдан башарият тафаккур ҳазинасига унитилмас ҳисса қўишиб келган. Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини қўйган Марказий Осиё юзлаб, минглаб даҳоларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. IX асрдан бошлаб Марказий Осиё худудида Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар давлатлари илм-фанга сезиларли даражада эътибор бердилар. Бухоро, Самарканд, Ургенч, Хива каби шахарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида маълум бўлди. Бу ерларда савдо сотик, ҳунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва билим ўчокдари ривожланди. Шарқнинг турли ўлкаларини Farb ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи буюк «Ипак йули» алоқа ўчоқлари сифатида машҳур бўлди. Мовароуннаҳр давлатлари бошқа мусулмон ўлкалар билан яқиндан алоқа ўрнатдилар, ерли олимлар ўзга мамлакатларга бориб илм олиш, ҳамкаслари билан яқиндан мулоқот қилишга имкон яратдилар. Марказий Осиёдан ал Хоразмий, ал Фарғоний, Исмоил Бухорий; ал Термизий, ал Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Журжоний, Марғилоний, Замахшарий, Махмуд Кошгари каби улкан олимлар етишиб чиқди. Улар ижодлари, асарлари билан халқимизни дунёга машҳур қилдилар.

Табиатшуносликни ўқитиш методикаси табиатшуносликни ўқитиша ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялашнинг мазмuni ва методларини очиб берувчи педагогик фандир. У педагогикада ишланган тадқиқотларга асосланади ва бу предметни ўқитиш мазмuni ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган холда унинг методларидан фойдаланади.

Ўқувчиларга табиатшуносликни ўргатиб бориш би-лан ўқитувчи уларни таълимни давом эттириш ва амалий фаолият учун зарур бўлган билим, ўқув ва қўникмалар билан қуроллантирибгина қолмай, балки уларнинг дунёқарashi, иродаси, характерини шакллантиради, ақлий қобилиятларини ривожлантиради ҳам. Шунга кўра табиатшуносликни ўқитишнинг шакл ва методла-рини ишлаб чиқади.

Ўқитиш жараёни ўзаро боғлиқ бўлган қисмларни: предмет мазмuni, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини, яъни предметнинг ўзини, уни ўқитишни ва ўқишни, яъни билим, ўқув ва қўникмаларни эгаллаб олишни ўз ичига олади. Шунга кўра табиатшунослик методикасининг вазифалари қаторига ўқув

предмети сифатида табиат-шунослик мазмунини аниқлаш, ўқитишининг метод ва услубларини тадқик қилиш, зарур ўқув жиҳозларини ишлаб чиқиш киради. Табиатшуносликни ўқитиши методикаси фақат ўқитиши жараёнини таърифлаш ва тушунтириш билан чекланиб қолмай, балки қоидаларни ҳам ишлаб чиқади, уларга асосланиб, ўқитувчи шу предмет бўйича ўқувчиларни муваффақиятли равища ўқитиши мумкин. Табиатшуносликни ўқитиши методикаси ўқитувчининг тайёрланишидан тортиб, то ўқув материалини ўзлаштириш натижаларини, жумладан синфдаги, уйдаги, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ҳисобга олишгacha барча ўқитиши жараёнларини ўз ичига олади. Ўқитиши амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва натижаларни кейин ижодий равища умумлаштириш асосида ўқитишининг муайян конуниятлари белгиланади ва уни яна ҳам яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади. Чунончи, ўрганилаётган нарсаларни (ўсимлик ва ҳайвонларни) бевосита қабул қилиш (бу тўғри тасаввур ҳосил бўлишини таъминлайди) қонунияти асосида предметли ўқитиши қўлланиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Табиатшунослик методикаси ўрганадиган ва ишлаб чикадиган масалалар доирасига қўйидагилар киради:

ўқув предмети сифатида табиатшуносликнинг таълим ва тарбиявий аҳамияти, унинг тарбия системасидаги ўрни;

ўқув материалининг мазмуни ва уни тақсимланиш системаси;

ўқитиши методлари ва ўқувчиларни ташкил этиш шакллари;

ўқув материалини, ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёни ва ўқитиши натижаларини ҳисобга олиш;

жиҳозлаш ва ўқув қуролларидан фойдаланиш;

дарсдан ва синфдан ташқари ишлар, ўқитишининг моддий базаси.

Табиатшуносликни ўйтиши методикаси табиат ҳодисаларини ўзаро боғланишда ва ривожланишда ўрганишга имкон беради. Табиатшунослик методикаси педагогикада қўлланиладиган тадқиқот методларидан фойдаланади. Тадқиқотчи-методист мактабда табиат-шуносликни ўқитиши жараёнини кузатади, кузатилган фактларни тахлил киласида ва таққослайди, ҳодисалар ўртасидаги қонуний боғланишларни аниқлайди, холоса ва умумлаштиришнинг туғрилигини амалда текширади ва бунинг натижасида табиатшуносликни ўқитиши принципларини белгилайди. Кўзатиш ва тажриба табиатшуносликни ўқитиши методикаси соҳасидаги энг муҳим методлардир. Педагогик фан сифатида табиатшунослик методикаси дидактика билан боғланган.

Фақат таълим ва тарбиянинг педагогик мақсади ва вазифаларига асослангандағина мактаб табиатшунослик курсини тўғри тузиш, бошланғич ва ундан кейинги синфлар ўқув предметлари системасида унинг ўрни ва ролини аниқлаш мумкин бўлади. Ўқув материалини танлаш ва уни синфлар бўйича тақсимлашга бўлган талаблар дидактик принциплар билан изоҳланади, улар

хусусий методик масалаларни ҳал қилишда, ўқитиш методларини танлашда, шунингдек ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ҳар хил кўриниш ва шаклларда ташкил килишда ҳам етакчидир. Методик услубларни фақат ҳар бир ўқувчи психологиясини, ёши ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина тўғри танлаш мумкин. Ўқувчиларни келгуси амалий фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этаётганда табиатшунослик методикаси педагогиканинг политехника таълими муаммоларини ишлаб чиқувчи бўлимига таянади. Табиатшуносликни ўқитишнинг тарбияловчилик характери тўғрисидаги масалани методика табиат ривожланишининг умумий қонуниятлари ва комплекс тарбия назариясига асосланиб ишлаб чиқади.

Табиатшунослик методикаси, шунингдек, физиология, анатомия, гигиена, ботаника, зоология, география, агротехника, метеорология, мантиқ ва психология билан чамбарчас боғлиқдир. Шу фанлар билан бўладиган алоқа ўқитувчининг ўша фанлар асосларини эгаллаган бўлишида, уларнинг энг муҳимларини ажрата олиш, материалларни ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос холда тушунтира олиш ўқувларида намоён бўлади. Шахснинг камол топиши ва ривожланиши унинг айрим ишларни, муносабатни, характерни ўз ичига олган фаолият жараёнида боради. Бунда у ёки бу фаолият турининг — ўқиш, меҳнат, ўйин, мулоқотларнинг далиллари(мотивлари) алоҳида аҳамиятга эгадир. Мулоқот далиллари ҳар қандай дарснинг таркибий қисми бўлиши керак. Уни ўқитувчи хисобга олмаса, табиат туғрисидаги билимлар имкониятини пасайтириб юборади. Табиат билан туғри ташкил қилинган мулоқот кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида гўялликни ҳис этишни бойитади ва чуқурлаштиради, уларда ўз ҳаракати ва ишини ўзи баҳолай олиш қобилияти ривожланади, бу хислатлар хулқ-атворнинг одобий ҳамда аҳлокий нормаларини англаш, атрофдагиларга нисбатан масъулият ҳамда бурчни тарбиялаш учун зарурдир. Табиат билан мулоқот жараёнида ўртоқларига, катталарга ҳурмат ва меҳр-муносабат вужудга келади. Табиатшуносликни ўқитиш методикаси олдида қўйидаги вазифалар туради:

— умумий таълим ва комплекс тарбия системасида табиатшуносликнинг ўқув предмета сифатидаги аҳамияти ва ўрнини аниклаш.

— табиатшунослик материалларини танлаш ва бирлаштириш (синтез қилиш).

— унинг таълим ҳамда тарбиявий вазифаларини аниқлаш.

Бошланғич мактабда табиатшуносликни ўқитиш табиат ҳаётидаги айрим фактлар ва ўсимликлар, ҳайвонлар ҳамда одамнинг ташқи хусусиятлари билан таништиришдангина иборат эмас. Табиатшуносликни ўқитиш жонли ва жонсиз табиатнинг ҳар-хил объектлари ўртасидаги, жонли табиат билан одамлар меҳнати ўртасидаги ўзаро алоказарни кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари тушуна оладиган шаклда очиб бериши, жонажон табиатга муҳаббатни, унинг бойлигини қуриқлаш ва эҳёйётлик билан фойдаланиш истакларини тарбиялаши керак.

Шунга кўра педагогика билим юртларининг ўқувчилари табиатшунослик дарсларини табиат муҳофазаси масалаларини ҳисобга олган холда режалаштиришга ўрганадилар. Бошланғич мактаб табиатшунослик курси табиат ҳодисаларининг кенг доирасини қамраб олади, шу муносабат билан баъзан ўрганилаётган ҳодисалар билан ўзаро боғлиқ ҳолда кузатишлар олиб бориши қийин бўлади. Шунинг учун хам табиатшуносликни дастлаб ўрганиш учун обьектлар танлашда қуидагиларни: уқувчиларнинг ёш хусусиятларини, ўрганилаётган материалнинг тушунарли бўлишини, унинг таълимий ва ривожлантирувчи таъсирини, ўлкашунослик материали бўйшини, олинган билимларни мактаб жонли табиат бурчаги ва ўқув-тажриба участкасидаги ишлар бажарилишида фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиш зарур.

Табиатшуносликни ўқитиши методикасининг мухим вазифаси — ҳар бир синф учун якка тартибда дастур ишлаб чиқишидир. Умуман ўқув предметининг мазмуни мактаб дастури билан белгиланади, у табиатшунослик фанининг ривожлана бориши билан ўзгариб ва такомиллашиб боради.

Табиатшуносликнинг таълим ҳамда тарбиявий вазифаларининг бажарилиши учун хилма-хил ўқитиши методлари ва ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланиш керак бўлади. Барча таълим ва тарбиявий вазифаларнинг бажарилиши методларнинг турли танланишига боғлиқ. Табиатдаги мустақил кузатишларсиз кичик ёшдаги ўқувчиларда кузатувчанликни ривожлантириб бўлмайди, тирик организмларни бевосита ўрганмасдан туриб ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётини тушуниб бўлмайди, ўсимликларни ўстириш ва ҳайвонларни парвариш қилиш бўйича амалий ишлар бажарилмасдан қишлоқ хўжалик меҳнатининг амалий ўқув, ҳамда кўникмаларини ҳосил килиб бўлмайди. Табиатшуносликни ўқитиши жараёни фақат ўқитувчинигина эмас, балки ўқувчилар фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ўқитишигнинг натижаси дастурда мўлжалланган материал пухта ўзлаштирилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ўқитиши методлари ва ўқувчиларни ташкил этиш шаклларини ўрганиш уларнинг материални ўзлаштириб олиш жараёнини ўрганиш билан бирга боради. Шуғулланиладиган ҳар қандай методнинг аҳамиятини, ўқувчиларнинг материални ўзлаштирганлигини, уларда зарур тасаввур ва тушунчаларнинг шакллантирилганлигини тарбиявий натижаларни аниқламасдан туриб билиб бўлмайди.Faқат шу маълумотларга асосланиб, ҳар қандай методни тўғри баҳолаш мумкин.

Ўқитишишида ўқувчилар билимини ҳисобга олишни туғри ташкил этиш ва унинг асосида ҳар бир ўқувчи натижаларини ва умуман ўқитишини баҳолаш мухимдир, ўқитиши методлари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиши билан машғулотларнинг ўқув жиҳозлари тўғри-сирадаги масалалар ҳам чамбарчас боғлиқдир, чунки ўқув қуроллари ва бошқа жиҳозлар табиатшунослик тасаввурлари ва тушунчаларни шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Табиатшунослик методикаси, шунингдек ўқитишнинг моддий баҳоси — табиатшунослик кабине-ти, тирик табиат бурчаги, ўқув-тажриба участкаси, география майдончаси, ўқитишнинг техника воситаларини ташкил этиш ва фойдаланиш масалаларини ҳам қараб чиқади, буларсиз табиатшуносликни ўқитишни тўғри олиб бориш мумкин булмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. М.Н.Валихонов “Табиатшунослик асослари” дарслик, Тошкент 2004-241 б.
2. Y.V.Malikova. “Tabiiy fanlar” 1-sinf darsligi, Toshkent, “Novda Edutainmerit” nashriyoti, 2023-52 b.
3. O.Y.Tigay. “Tabiiy fanlar” 2-sinf darsligi, Toshkent, “Novda Edutainmerit” nashriyoti, 2023-200 b.
4. Y.V.Malikova. “Tabiiy fanlar” 3-sinf darsligi, Toshkent, “Novda Edutainmerit” nashriyoti, 2023-52 b.
5. Y.V.Malikova. “Tabiiy fanlar” 4-sinf darsligi, Toshkent, “Novda Edutainmerit” nashriyoti, 2023-56 b.
6. Ширинов М., Абдуазимова Д. «Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси» фан 5. дастури. - Низомий номидаги ТДПУ. 2015.
7. Ширинов М. Табиий фанларни ўқитишда интегратив ёндошув асосида узвийликни 7. таъминлаш стратегияси. / «Замонавий таълим» журнали. 2016 йил, 7 сон 55 бет.